БУГУНГИ СОНДА:














# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 48 (601)
2022 йил 5 июль, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистонда қонунга зид хатти-ҳаракатларга чек қўйиш, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича кўрилган қатъий чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, шу жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика, маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш нуқтаи назаридан кўп томонлама ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш ва натижадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Маслаҳатчи Чакрабарти Ўзбекистон етакчиси раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастурини, шу жумладан, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини трансформация қилиш ва рақамлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш борасидаги ўзгаришларни юксак баҳолади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга Ўзбекистонда бошланган ҳамда демократик принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўла мос ҳолда, конституциявий қурилишнинг илғор миллий ва халқаро тажрибаси асосида амалга оширилаётган Конституция ислоҳоти хизмат қилиши таъкидланди.

Сума Чакрабарти бундан буён ҳам янги ўсиш нуқталарини топиш ва рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Ҳукуматига кўмаклашишга бор саъй-ҳаракатини йўналтиришга тайёрлигини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, Сума Чакрабарти Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланишидан аввал саккиз йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БЎЛАЖАК САММИТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ БОРИШИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг кенг кўламли кун тартибидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президент Садир Жапаров Қорақалпоғистондаги вазиятни беқарорлаштиришга уринишларга чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон раҳбари томонидан кўрилган қатъий чораларни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Бошқа давлатнинг ички ишларига аралашишга йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама учрашувлар режасини, шу жумладан, Чўлпонота шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё мамлакатлари саммитига тайёргарлик масалаларини кўриб чиқдилар.

Яқин орада муҳим йўналишлардаги келишувларни илгари суришга қаратилган қатор қўшма тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар минтақавий транспорт йўлаклари ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги йирик инфратузилмавий лойиҳаларни ишлаб чиқишни жадаллаштиришдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари жорий йил июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашув якунида эришилган келишувлар ижросининг боришини кўриб чиқдилар.

Суҳбат аввалида Тожикистон Президенти давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасида барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо, транспорт ва саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида йўловчи поездлари қатнови йўлга қўйилгани, Зарафшон дарёсида Яван ГЭСи қурилиши лойиҳаси бўйича амалий ишлар бошлангани мамнуният билан қайд этилди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ЕВРОПА КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни амалга оширишга кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Еврокенгаш Президенти, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш сари очиқ ислоҳотлар йўлини давом эттириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Шу маънода Қорақалпоғистондаги вазиятнинг баъзи бузғунчи кучлар томонидан издан чиқарилишига йўл қўйиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Шарль Мишель жиноий унсурлар томонидан уюштирилган тартибсизликлар натижасида қурбон бўлганларнинг оилалари ва яқинларига ҳамдардлик сўзларини етказишни сўради.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тайёрланишини якунига етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

"Преференциялар бош тизими плюс" афзалликларидан фойдаланган ҳолда ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар амалий ҳамкорликнинг аниқ дастур ва лойиҳаларини, энг аввало, "яшил иқтисодиёт", рақамлаштириш, инновациялар, логистика, қишлоқ хўжалиги, экология, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида илгари суриш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган вазият ҳамда ЕИ тузилмалари билан кўп томонлама мулоқотнинг даражасини янада юксалтириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзаро боғлиқликни кучайтириш, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шу жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик қарор топишига кўмаклашиш ва унинг халқига қўлдан келганча ёрдам кўрсатишга қаратилган йирик халқаро тадбирларни мамлакатимизда ташкил этиш масаласи қўллаб-қувватланди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий ва бетакрор байрамларидан бири бўлган муборак Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонпарварлик, эзгулик, шукроналик ва меҳр-оқибат сингари анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, ушбу улуғ байрамни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни **9 июль – шанба** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2022 йил **9 июль** куни Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги "2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ–35-сон Фармони билан 2022 йил **11-12 июль кунлари дам олиш кунлари** сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўътабар ёдгорлик ва қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М. М. Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 июль

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# Халқаро ҳамкорлик натижалари қандай?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хабарингиз бор, Қурилиш вазирлиги мутасаддиларидан иборат делегация Японияда бўлиб қайтди. Унда турли учрашув, тадбир ва келишувлар бўлиб ўтгани ҳамда меморандумлар имзолангани ҳақида ёзган эдик. Бу борада яна қандай натижаларга эришилди?**

Бу ҳақда АОКАда бўлиб ўтган брифингда вазирлик ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов батафсил маълумот берди.

Бугун Ўзбекистон ва Япония муносабатлари янги босқичда ривож топмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг кунчиқар мамлакатга қилган ташрифи, эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиляпти. Хусусан, Қурилиш вазирлиги мутасаддиларидан иборат делегациянинг яқинда Японияга қилган ташрифи қурилиш соҳасида илмий ва амалий ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб берди.


Делегация аъзолари Токиода Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги – JICA билан музокараларда .

Брифингда таъкидланишича, ишчи гуруҳи дастлаб Япониянинг Ер ресурслари, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлигида бўлди. Музокараларда шаҳарлар бош режаларини ишлаб чиқиш, баланд бинолар қуриш, шаҳарлар реновацияси, зилзилабардошлик ва ёнғин хавфсизлиги, қурилиш нормалари ва стандартлари каби масалаларда ўзаро фикр алмашилди ҳамда кўплаб натижаларга эришилди. Хусусан, келгусида Япониянинг Ер ресурслари, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлиги кунчиқар мамлакатнинг қурилиш стандартлари тўпламларини тақдим қилади. Биноларни сейсмик кўрикдан ўтказиш, уйларнинг зилзилабардошлилик хусусиятларини кучайтириш бўйича мутахассисларимиз малакасини оширишга кўмаклашишга ҳам келишиб олинди.

Шунингдек, Япониянинг қурилиш маркази президенти билан кечган учрашувда ҳам муҳим ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, Қурилиш вазирлиги қошидаги қурилишда техник меъёрлаш маркази ҳамда Япониянинг қурилиш маркази ўртасида 2025 йилгача 150 нафар ходимнинг малакасини ошириш, мамлакатимизда сейсмик соҳага доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, яъни, ЖАЙКА (*JICA*) ташкилотида бўлган учрашув якунларига кўра, қурилиш соҳасидаги ёш мутахассисларимизнинг ушбу давлатда стажировка ўташларига эришилади.

Япония сейсмик изоляция жамиятида бўлиб ўтган музокаралар ҳам самарали бўлди. Эндиликда ушбу жамият аъзолари юртимиздаги қурилиш жараёнларида зилзилабардошлик бўйича нормативларни такомиллаштириш юзасидан ўз таклифлари билан иштирок этишади. Жумладан, 50 метр ва ундан юқори бўлган ҳамда алоҳида конструкциявий аҳамиятга эга бинолар лойиҳаларига сейсмик жиҳатдан экспертиза хулосаларини беришда япониялик мутахассислар билан ҳамкорликка келишилди.

Бундан ташқари, архитектура, қурилиш муҳандислиги ва пудрат ишлари ташкилоти – "Шимизу корпорэйшн" (Shimizu Corporation)да ўтказилган учрашувда Қурилиш вазирлиги делегацияси қурилиш майдонининг ҳақиқий ўлчамдаги моделини кўздан кечирishди ҳамда бу тажрибани юртимизда ҳам қўллашга келишиб олдилар. Келажакда бизда ҳам техник назоратни амалга оширувчи ходимлар учун ана шундай реал тренинг майдонлари ташкил этилади. Қурилишда бошқарув жараёнини инновацион технологиялар асосида роботлаштириш, қурувчи принтерлардан фойдаланиш, сейсмик симуляция қурилмалари ёрдамида зилзилабардошликни ҳисоблаш каби соҳада муҳим бўлган лабораториялар аналогини Ўзбекистонда ҳам ташкил этиш бўйича ҳам ҳамкорлик амалга оширилади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№48 (601) 2022 йил 5 июль

# САНОАТ СОҲАСИНИНГ ИБРАТЛИ КОМБИНАТИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.




**Ишлаб чиқариш ва хомашёни қайта ишлаш бўйича дунё мамлакатлари орасида ўзига хос ўринга муносиб бўлса-да, бир вақтлар Ўзбекистонда иқтисодиётнинг қон томирларидан бири ҳисобланган кўплаб саноат корхоналари борлигини кўпчилик билмасди. Истиқлолга эришгач, айниқса, сўнгги беш йилда барча соҳалар билан бирга саноат тармоқлари ҳам замон талабларига мос даражага етказилгани натижасида бугунги кунда нафақат ишлаб чиқариш кўлами кенгайди, балки улар жаҳондаги турдош корхоналар билан бемалол рақобатлашишига имкон туғилди.**

Ана шундай гигантлардан бири – Навоий кон-металлургия комбинатидир. Айтиш жоизки, мазкур комбинат республикамиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаб, янги иш жойлари яратишда бошқаларга ибрат бўляпти. Бугунги кунда республикамиз миқёсида унинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссаси 13 фоиздан ортиқни ташкил этиб, давлат бюджетига тушумлар улуши 20 фоизга яқиндир. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, якунланган йилда комбинат олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳон рейтингида 5-ўринни эгаллади. Давлатимиз томонидан яратилаётган шароитлар туфайли корхонада изланиш ва ташаббуслар кенг қулоч ёзиб, янгидан-янги конлар излаб топилмоқда. Мавжудлари орасида "Шарқий" коннинг аҳамияти каттадир.



## ЮРТИМИЗ СОЛНОМАСИДАГИ ДАСТЛАБКИ КОН

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, "Шарқий" кон мустақил республикамиз тарихидаги дастлабки конлардан бири бўлиб, 1991 йилнинг 2 июлида иш фаолиятини бошлаган. Ҳозирда мазкур кондан сульфидли маъдан қазиб олишнинг 2-босқичи амалга ошириляпти. Ўтган йиллар оралиғида бу ерга Россия, АҚШ, Япония, Швеция сингари мамлакатлардан замонавий техникалар олиб келинди. Булардан ташқари, асосий хизматлар фаолияти замон талаблари даражасида қайта жиҳозланиб, мутахассислар "ЖПС" тизими орқали кондаги жараёнларни онлайн назорат қилиб боришади.

Шунингдек, ушбу кондан йилига 4 миллион тонна сульфидли маъдан қазиб олиниб, 3-гидрометаллургия заводида қайта ишлаш йўлга қўйилган. Сўнгги йилларда олиб борилган ҳаракатлар туфайли минг нафардан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлашга эришилди. "Шарқий" кон бошлиғи Наби Очиловнинг эътирофича, 12 йил аввал бу ердан 16 миллион тонна кон массаси олинган бўлса, ўтган йили ушбу кўрсаткич 37 миллион тоннани ташкил этган. Эришилган натижа, айтайлик, "Мурунтов" кони билан солиштириладиган бўлса, ҳар тонна маъданга нисбатан олтин олиниш самарадорлиги икки баробарга кўп.

Яна бир таққос, "Шарқий" конда маъдан қазиб олиш бўйича ҳар бир қатламнинг баландлиги беш метрдан иборат бўлса, "Мурунтов"да бу қатламлар 10-20 метргача етади. Бундан ташқари, "Шарқий" кон таркибидаги "Жанубий-1" кони ҳам Учқудуқдаги энг катта ва муҳим конлардан бири ҳисобланиб, айни пайтда 250 метргача қазиш ишлари олиб борилган. Муҳими, яна 100 метргача олтин захиралари борлиги асосланган.

## МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИДА ЙИРИК КОРХОНА

Комбинат таркибидаги 3-гидрометаллургия заводи 27 йил аввал, яъни 1995 йил 14 июнда фойдаланишга топширилган. Мазкур завод кончилик ҳамда металлургия соҳасидаги дастлабки йирик саноат корхонаси бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга. Унинг биринчи босқичи ишга туширилгач Учқудуқда фақат уран қазиб олинган бўлса, янги заводда олтин ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Фаолиятнинг дастлабки йилида корхонада 1 миллион 200 минг тонна хомашё қайта ишланган эди. Мутахассисларнинг айтишларича, ҳозирда йилига 8 миллион тоннадан ортиқ "Кокпатас" ва "Довгизтов" конларидан қазиб олинган олтин таркибли маъдан қайта ишланяпти.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати тарихида илк маротаба НКМК мутахассислари мураккаб таркибли, қайта ишлаш қийин бўлган маъданлардан олтин ажратиб олишнинг янги технологиясини яратишгани учун БМТ Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медалига сазовор бўлишди.

Бир сўз билан айтганда, завод ишга туширилган йилга нисбатан корхонанинг маъданни қайта ишлаш бўйича йиллик унумдорлиги 6 баробардан кўпроқ, олтинни ярим тайёр ҳолатида ишлаб чиқариш эса 5 баробар ошган.

# Хавфсиз ва самарадор ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИ



**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кўпчилик иморат қуришда айнан деразалари қуёш чиқадиган томонга қарашини хоҳлайди ва шу кўринишда лойиҳалаштиришга ҳаракат қилади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Албатта, имкон қадар иссиқ ва ёруғ бўлиши учун.**

Ҳақиқатан ҳам, мутахассисларнинг фикрича, бинонинг шарқий ва ғарбий томонларида деразалар кам бўлиши керак. Шундай уйлар қишда ёруғ ва иссиқ, ёзда эса салқин бўлади. Экологик тоза, ўзини ўзи энергия билан таъминлайдиган шинам биноларда табиий ёруғлик кўп бўлади ва натижада иссиқлик энергияси анча тежалади. Деворлар, шифт ва полнинг иссиқлик изоляцияси материаллари билан қопланиши бундай биноларда иссиқликнинг кўпроқ вақт сақланиб туришини таъминлар экан. Сўнгги вақтларда жаҳонда экологик мусаффоликка интилиш кучайиб бораётгани боис, қайта тикланадиган энергетика тизимларига эга лойиҳалар сони ортмоқда. Булардан энг асосийси, қуёш батареясидир.

Бугун ҳатто қишлоқ жойларда ҳам уйларнинг томларига ўрнатилган қуёш батареяларини кўриш табиий ҳолга айланди. Юртдошларимизда бу муқобил энергия манбаидан фойдаланиш кўникмаси пайдо бўлди.

Тўғри, илм-фан тараққиёти қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илғор усулларни ҳам тақдим этиб келаётгани барчага маълум. Бу борада барпо этилаётган жойнинг иқлим шароити, фойдаланилаётган қурилиш материаллари ҳисобга олиниши лозим. Ушбу биноларни ёритиш, иситиш ёки совутиш учун қуёш энергиясидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш зарур.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича актив тизимлар асосини қуёш батареялари – қуёш энергиясини қабул қилиб, ўзгартирадиган модуллар тўплами ташкил қилади. Аксарият ҳолларда қуёш батареялари ҳақида сўз борганда, қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирадиган мослама назарда тутилади. Қуёш батареялари электр энергиясини мунтазам ишлаб чиқариш ёки кейинчалик фойдаланиш учун уни тўплаш имкониятига эга. Бундай батареялар илк бор фазо йўлдошларида фойдаланилган.

Қуёш батареялари тузилишининг оддийлиги, ўрнатишнинг осонлиги, кўп хизмат талаб этмаслиги ва узоқ муддат фойдаланиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Ўрнатиш учун қўшимча жой талаб қилмайди. Сояда узоқ вақт қолдирмаслик ва юзасидаги чангни ўз вақтида артиб туриш ундан фойдаланишнинг ягона шартидир. Бундай батареялар нафақат қуёшли кун, ҳатто булутли кунларда ҳам энергия ишлаб чиқара олади. Замонавий қуёш батареялари ўн йиллар давомида ишлаш қобилиятини сақлаб қолади. У хавфсизлиги, самарадорлиги ва узоқ муддат ишлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бугунги кунда қуёш энергиясини ўзида тўплайдиган аккумулятор манбалари ўрнатилган уйлар кўплаб қурилмоқда. Қуёш батареялари бинолар томи ёки махсус таянчларга ўрнатилади. Улардан биноларни ёритиш, иситиш, ҳавони совутиш, шамоллатиш, электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилади.

# ҲУДУДЛАР

## Жиззах вилояти

### Қурилиш ишлари жадал боряпти

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Зоминда мактабгача ёшдаги кичкинтойларни таълим-тарбия масканларига қамраб олиш борасида қатор ўзгаришлар бўляпти.**

Айниқса, 2021 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида бу борадаги ишлар кўлами яна ҳам ортганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу йилнинг ўзида Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада жойлашган 2-ДМТТда ҳам янги бино қурилиши жадал суръатларда давом этяпти.

Бунёдкорлик ишларини "Ҳумоқурилишсервис" хусусий корхонаси амалга оширяпти. Умумий қиймати 8 млрд 36 млн 558 минг сўм бўлган мазкур ишлар натижасида эски муассаса ўрнида янги, барча шароитларга эга бўлган 2 қаватли иншоот қад ростлайди.

### Бунёдкорлик ишларида буюртмачи катта ўрин тутади

**Жиззах вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ижтимоий объектларни янгидан қуриш, мукаммал таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга оширишда буюртмачи вазифасини бажаради.**

Бугунги кунда компания "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурига киритилган объектларга буюртмачи вазифасини бажармоқда. Жумладан, Инвестиция дастури доирасида 110 та объектнинг қурилиши, мукаммал таъмирланиши ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузган.

Дастур доирасидаги 110 та объектда 2022 йилда бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 455 млрд 757 млн 300 минг сўмни ташкил қилади. Шунингдек, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасидаги 71 та объектнинг умумий шартнома-лойиҳа қиймати 91 млрд 329 млн сўмни ташкил қилади. Умуман, соҳалар кесими бўйича олиб қаралганда, энг кўп қурилиш, мукаммал таъмирлаш ва реконструкция ишлари – умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда ичимлик суви иншоотлари ҳисобига тўғри келмоқда.

## Андижон вилояти

### Ҳудудларни сувлаштириш кўлами ортмоқда

**Зиё СИРОЖ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шу орқали ҳамюртларимиз турмуш шароитини яхшилашга бўлган эътибор ва шароит кўлами янада ортди.**

Биргина Андижон вилоятининг ўзида 194,1 млрд сўм маблағ эвазига 65 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлса, 471 километр ичимлик ва оқова сув тармоғини қуриш ишлари бажарилди. Бунинг натижасида 115 дан ортиқ маҳаллада яшовчи 49,5 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди. 80 минг нафар ҳамюртларимизнинг ичимлик суви таъминоти янада яхшиланди.

– Олиб борилган ишлар туфайли энг чекка ҳудудларга ҳам оби ҳаёт етиб борган бўлса, айрим маҳаллаларда 30 йилдан буён ҳукм суриб келаётган ичимлик сув муаммоси ижобий ечим топди, – деди "Андижон сув таъминоти" МЧЖ директори Шуҳратбек Матмусаев. – Мисол учун, Балиқчи туманидаги "Шеробод", Қўрғонтепа туманидаги "Иқтисодчи", Олтинкўл туманидаги "Хондибоғи" МФЙларида ҳам 30,5 километр ичимлик сув тармоғини тортиш, 4 дона сув қудуғини қуриш, 1 дона сув қудуғини таъмирлаш орқали маҳалладошларнинг тоза ва сифатли ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Ҳудудларни сувлаштиришда "Андижон сув таъминоти" МЧЖ билан бир қаторда маҳаллий ҳокимликларнинг ҳам хизмати катта бўляпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан 3,4 млрд сўм маблағ ажратилиб, 36 дона янги сув насослари ўрнатилди. Шу билан бирга, 96 км ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари амалга оширилди. Бу борада айниқса, Андижон, Жалақудуқ, Избоскан, Олтинкўл, Пахтаобод, Балиқчи, Шаҳрихон, Асака ва Марҳамат туманлари ҳокимликлари томонидан олиб борилган ишлар ибратлидир.

– Маҳалламиз республикамизнинг энг чекка ҳудудида жойлашган, – деди Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Абдурайим Ҳусанов. – Хонадонлар сони у қадар кўп бўлмагани боис тоза ичимлик суви таъминотидан умидвор ҳам эмас эдик. Боиси, энг яқин аҳоли яшаш манзили биздан 7-8 километр узоқликда жойлашган. Йиллар давомидаариқдаги сувдан фойдаланиб келганмиз. Шукрким, бугунги кунга келиб маҳалламизга сув қувури тортилди. Ҳозирда тоза ичимлик сувидан фойдаланяпмиз. Республикамизда энг чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга бўлган бу каби эътибордан миннатдормиз!

Вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, бунинг учун 5 трлн 82 млрд сўм маблағ ҳисобига 5 700 километр ичимлик сув тармоғини тортиш, 1 021 дона сув иншооти, 813 километр оқава сув тармоғи, 19 дона оқава сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ушбу ишлар натижасида вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етиши кўзда тутилган.

## Наманган вилояти

### "Яшил энергетика" иқтисодий муваффақият келтиради

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири – иқтисодиётни ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлашдир. Нефть, газ ва кўмир захираларининг маълум муддатдан сўнг тугашини ҳисобга олсак, мазкур масала янада долзарблик касб этади.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларини ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Хусусан, яқин келажакда 500 МВт қувватли учта қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш режалаштирилган. Улар Наманган, Бухоро ва Хоразм вилоятларида қад кўтаради. Шу ўринда 2018 йилнинг май ойида қуёш электр станцияларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилишга хусусий инвесторларни жалб қилиш учун IFC билан маслаҳат хизматлари учун 1 млрд долларлик шартнома имзоланганлигини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 900 МВт ва қиймати 1 млрд доллар бўладиган гелиостанцияларни 2023 йил кузига келиб қуриб битказилиши мўлжалланган. Ўзбекистон 2030 йилга келиб қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича қувватини 5 ГВтгача оширишни мақсад қилган.

Шунинг учун ҳам Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да муқобил энергия ресурсларидан фойдаланиш лойиҳалари, қуёш электр панеллари ва сув иситиш қурилмалари ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари кўргазмаси нафақат мутахассисларда, балки жамоатчиликда ҳам катта қизиқиш уйғотди. "Ўзэлтехсаноат" уюшмасига аъзо 30 дан ортиқ корхоналар 200 га яқин турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Аксарият маҳсулотлар бугунги кун талабидан келиб чиқиб, маҳаллийлаштирилган.

– Кўргазмада жуда кўп ҳамкасбларимизни учратдим. Уларда "яшил энергетика" имкониятлари билан танишиш истаги борлиги таҳсинга лойиқ. Чунки келажакда муқобил энергия манбалари ҳаётимиздан катта ўрин эгаллаши сезилиб турибди. Биз, қурувчилар шунга тайёр туришимиз, илғор технологияларни қўллашни бошлашимиз керак, – деди Янгиқўрғон туман қурилиш бўлими бошлиғи Элёрбек Эргашев.

Ушбу кўргазма Наманган вилояти ҳокимлиги ва "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбир доирасида қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича семинар ҳам ўтказилди.

## Қашқадарё вилояти

### Шаҳрисабзлик ёшларга муносиб совға

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимизда 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан улар иштирокида кўплаб тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Шаҳрисабз туманида ҳам мазкур сана арафасида "Ёшлар маркази" биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу эса шаҳрисабзлик ёшларга муносиб совға бўлди.**




Очилиш маросимида туман ва вилоят ҳокимлиги мутасаддилари сўз олиб, ёшларни байрам билан самимий қутлади ва бир гуруҳ фаол ёшлар етакчилари тақдирланди. "Ёшлар дафтари"га киритилган бир гуруҳ ёшларга тикув машиналари, пайвандлаш ускуналари, олий ўқув юрти учун контракт ва ҳайдовчилик гувоҳномалари тўловлари тўлангани тўғрисидаги сертификатлар топширилди.

Албатта, мазкур марказ эндиликда туман ёшларининг ташаббус ва ғояларини бирлаштириш, янги лойиҳалар тайёрлаш, ёшларни тадбиркорликка ўргатиш, тил ўргатиш, муҳокамалар майдони яратиш, турли соҳаларда маҳорат дарсларини ўтиш учун якдил манзил бўлади.

Шунингдек, марказда эндиликда IT соҳасига ўқитиш, кутубхона ва у ерда бадиий китоблар билан бирга бизнесга дахлдор китоблар бўлиши, инновацион учрашувлар, бизнес семинарлар ташкил этилиши, тадбиркорлар билан маҳорат дарслари ўтилиши йўлга қўйилади.

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Ёпиқ аукцион савдога "IST-BATTERFLAY" МЧЖнинг 2022 йил 23 июндаги 148-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 17-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:**

2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 015 КСА бўлган "NEXIA" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 16 689 000 сўм.

**Аукцион савдо 2022 йил 5 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 3 август куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2022 йил 5 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2022 йил 22, 29 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 3 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

## нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 5 август куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги қишлоқ хўжалиги техникаси қўйилмоқда:**

"Ўзагросервис" АЖнинг 2022 йил 23 майдаги 3-сонли қарори ва "Хоразм Агроинтехника МТП" МЧЖнинг 2022 йил 20 июндаги 01/100-30-сонли хатига асосан, Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1-"а" уйда сақланаётган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 90 567 DA бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "CLAAS MEGA 204" русумли комбайн. **Бошланғич баҳоси** – 193 307 636 (бир юз тўқсон уч миллион уч юз етти минг олти юз ўттиз олти) сўм.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 5 августдаги очиқ аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 31 август кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.

**Расмий веб-сайт:** www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.

# "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 5 август куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 27 июндаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Artfam-Invest" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202202193003660-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 302 640,4 сўм.
2. 202202193003661-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 14 852 517,6 сўм.
3. 202202193003663-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 462 511,2 сўм.
4. 202202193003664-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 725 003,2 сўм.
5. 202202193003665-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 302 640,4 сўм.
6. 202202193003666-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 078 056,8 сўм.
7. 202202193003667-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 863 621,6 сўм.
8. 202202193003668-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 527 224 сўм.
9. 202202193003669-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 227 779,2 сўм.
10. 202202193003670-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 270 284 сўм.
11. 202202193003671-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 473 615,2 сўм.
12. 202202193003672-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 335 724,96 сўм.
13. 202202193003673-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 617 057,44 сўм.
14. 202202193003674-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 901 530 сўм.
15. 202202193003675-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 521 672 сўм.
16. 202202193003676-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 896 269,26 сўм.
17. 202202193003677-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 821 116,8 сўм.
18. 202202193003678-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 551 033,95 сўм.
